



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI

100031, Toshkent shahar, Mirobod ko'chasi, 15-uy. Telefon: (+998 71) 239-41-21

www.mehnat.uz e-mail: info@mehnat.uz, mehnat@exat.uz

N^o01/00-03/18-988

" 03 " 02 2022yil

O'zbekiston Sog'liqni saqlash xodimlari kasaba uyushmasi Respublika Kengashiga

O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi 2022-yil 28-yanvardagi ΦХ-05/44-sonli xatga javoban quyidagilarni ma'lum qiladi.

O'zbekiston Sog'liqni saqlash xodimlari kasaba uyushmasi Respublika Kengashi hamda O'zbekiston Respublikasi Tibbiy-ijtimoiy xizmatlarni rivojlantirish agentligi o'rtaida ijtimoiy-iqtisodiy masalalarga oid 2022-2024-yillar uchun tuzilgan tarmoq kelishuvi O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 51-moddasiga asosan B-42 son bilan bildirish ro'yxatidan o'tkazildi.

Ilova: varaqda

Vazir o'rindbosari

B.Umurzakov

**Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси
ҚЎШМА ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

№ 09-01-12/659

«10» декабрь 2021 й.

№ 5-09-с'

«10» декабрь 2021 й.

**Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши ўртасида 2022-2024 йилларга тузилган
Тармоқ келишувини тасдиқлаш ва
Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича икки томонлама
комиссиялар тузиш тўғрисида**

Соҳа ходимларининг юқори ижтимоий, моддий фаровонлиги ҳамда меҳнат хуқуқлари ва кафолатларига риоя қилиш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2022-2024 йилларга мўлжалланиб икки томонлама тузилган Тармоқ келишуви лойиҳасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси **карор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатлари бўйича 2022-2024 йилларгà мўлжалланиб икки томонлама тузилган Тармоқ келишуви лойиҳаси 1- иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг тенг хуқуқлилик асосида, зарур ваколатлар берилган ижтимоий-мехнат масалалари бўйича доимий асосда фаолият кўрсатувчи комиссияси тузилсин ва унинг Низоми 2-иловага, таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Комиссияга тармоққа қарағли ташкилот ва муассасаларда меҳнат муносабатларни тартибга солинишини таъминлаш, жамоа музокараларини, маслаҳатлашувларни олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувларининг лойиҳаларини тайёрлаш, уларни тузиш, шунингдек уларнинг бажарилиши устидан тенг хуқуқлилик асосида назоратни олиб бориш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба

уюшмаси Республика Кенгашига ушбу келишувни амалда тадбик этилишини таъминлаш юклатилсин.

5. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаковга ва Ўзбекистон Соғликни саклаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгashi раиси Ф.Ханапияевга юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Тиббий-ижтимоий хизматларни
ривожлантириш агентлиги
директори



А.К.Инаков

Ўзбекистон Соғликни саклаш
ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгashi раиси



Ф.Ханапияев

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия
қўмитасининг

2021 йил 20-1d даги 09-01-1499 5-09 "c" сон
кўшма қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни
ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида
2022-2024 йилларга тузилган**

ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида (кейинги ўринларда – Республика Кенгаши) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси (кейинги ўринларда – МК) ва Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Ахоли бандлиги тўғрисида”, “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Касаба уюшмалари тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ти қонунлари ва бошқа норматив-хукуқий хужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида тузилган ижтимоий-иктисодий масалаларга оид тузилган Бош келишувига (кейинги ўринларда – БК) асосан тузилган ушбу Келишув қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

мехнатга ҳак тўлаш, меҳнат шартлари ва уни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш тартиби;

нархларни ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳак тўлашни тартибга солиш механизмини жамоа шартномалари воситасида жорий қилиш;

энг кам миқдори копун хужжатларида назарда тутиладиган компенсация тарзидаги қўшимча тўловлар;

ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни қайта ўқитишга қўмаклашиш;

ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳсус тадбирлар;

ногиронлиги бўлган шахслар ва ёшлар (шу жумладан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар) меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи муассасаларга бериладиган имтиёзлар;

ижтимоий шериклик асосида ўзаро икки тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга кўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш;

ходимлар турмуш даражасини пасайишини олдини олиш, ижтимоий-иқтисодий кафолатларини таъминлаш, уларнинг хуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган мөъёрлар ва қоидаларда кўрсатилганидан имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар киритиш;

ходимларнинг хуқуқий билимларини ва маданиятини, маънавий-маърифий савияларини ошириш, тиббиёт деонтологияси ва этика тамойилларига амал қилиш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш ва семинарлар ташкил қилиш;

муассасалар, корхоналар, ташкилотларда (бундан кейин матнда “Муассаса” деб юритилади) ходимларнинг меҳнатини ва саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш;

касаба уюшмаларига ўз фаолиятини амалга ошириш учун шароит яратиш.

1.2. Келишув 2022-2024 йилларга тузилиб, тарафлар томонидан имзолангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради. Мазкур йиллар давомида томонлар Келишувнинг бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин. Улар томонларнинг розилигига кўра қабул қилинади.

1.3. Мазкур Келишув шартлари Агентлик тасарруфидаги барча муассасаларда меҳнат муносабатларида турган иш берувчилар ва барча ходимларга, шу жумладан келишув кучга киргандан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Муассасаларда ушбу келишув асосида жамоа шартномалари тузилади. Жамоа шартномалари бандларида белгиланган имтиёзлар ушбу келишувда белгиланган имтиёзлардан кам бўлишига йўл қўйилмайди.

1.4. Агентлик тасарруфидаги муассасаларда ишловчи ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнатга оид хақ-хуқукларига амал қилиниши, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш бўйича МК, амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махқамасининг қарорлари ва бошқа мөъёрий-хуқуқий ҳужжатлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг (кейинги ўринларда – ХМТ) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари талабларига қатъий риоя этилиши шарт.

1.5. Томонлар ходимларнинг меҳнат, меҳнатни муҳофaza қилиш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маданий-оммавий, спорт-соғломлаштириш, касбий маҳоратни ошириш ишларини ривожлантиришда ижтимоий шерикликлар сифатида биргаликда тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳаларни, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан ўзаро ҳамкорлик қиласидилар.

1.6. Тармоқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва ходимларнинг меҳнатга оид хақ-хуқуқлари хамда манфаатларига оид норматив-

хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, ушбу лойиҳаларга доир таклифларни тайёрлашда, уларни Агентлик хузуридаги ишчи гурухлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органларининг мажлисларида кўриб чиқишида касаба уюшма органлари вакилларининг иштирок этиши таъминланади.

1.7. Агентлик тасарруфидаги муассасалар раҳбар ходимларига малака тоифаларини бериш ва уларни аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация саволларига ижтимоий шериклик, ходимларни ижтимоий муҳофазалаш, меҳнат қонунчилиги ҳамда ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари хақидаги саволларни киритиб борилади.

1.8. Томонлар ўз ваколатлари доирасида иккинчи томонни ўкув-услубий, ахборот, маслаҳат ва ташкилий жиҳатдан ўзаро қўллаб-қувватлайди. Тизимга киритилаётган янгиликлар хақида бир-бирларини хабардор қилиб борадилар.

1.9. Тармоқ касаба уюшмаси мутахассислари иштирокида Агентлик тизимидағи раҳбар шахслар ва мастьул ходимларнинг муассасаларда ижтимоий шериклик тамойиллари, ходимларни ижтимоий-иктисодий химоялаш, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича учрашувлар, давра сұхбатлари ўтказиб борилади.

1.10. Тармоқ иш берувчилари томонидан ходимларнинг ёзма розилиги билан касаба уюшма аъзоларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тұловлар (асосий ва ўриндошлиқ иш ўрнидан қатъий назар)дан 1 фоиздан кам бўлмаган аъзолик бадалларини муассаса бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан касаба уюшма ташкилотлари ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши таъминланади.

1.11. Касаба уюшма кўмиталарига сайланган ходимлар учун қуйидаги кафолатлар сақлаб қолинади:

Касаба уюшмалари органлари таркибиға сайланган ва асосий ишидан озод этилмаган шахсларга касаба уюшмаларига оид мажбуриятларини бажариш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бир ҳафтада икки соат бўш вақт ажратиш;

қисқа муддатли касаба уюшма ўкувлари ҳамда касаба уюшма ташкилотлари ишида иштирок этган даврида ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

иш берувчи асосий ишдан озод этилмаган ҳолда муассаса касаба уюшма кўмитаси раиси лавозимига, қўмита аъзолигига сайланган ходимларнинг юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўкувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ қисқа муддатли (бир ҳафтагача) хизмат сафари харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва ҳ.к) муассаса ҳисобидан қоплаш;

касаба уюшмаси органи талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

касаба уюшма сайланма органларидаги лавозимларга сайланганликлари туфайли асосий ишидан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугагандан сўнг аввалги ўз ишини (лавозимини) бериш, бундай иш (лавозим) бўлмаган тақдирда ходимнинг розилиги билан аввалгисига teng келадиган бошқа иш (лавозим) тавсия қилиш;

мутахассислик бўйича узлуксиз иш стажини сақлаб қолиш;

малака тоифасини унинг амал қилиш муддатига сақлаб қолиш;

касаба уюшмаси органининг Уставида белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни муассаса маъмурияти биносидан хона, мебель ташкилий техника, алоқа воситалари, интернет, канцелярия товарлари билан бепул таъминлаш;

куйидагиларга интизомий жазо берилиши мумкин эмас:

касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга — шу органнинг розилигисиз;

ташкилот бўлинмаларидағи касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига — тегишли касаба уюшмаси органининг розилигисиз;

ташкилотдаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига — тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилигисиз.

Касаба уюшма органларига сайланган ходимларга муассасадаги иш фаолиятини уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига маҳаллий меҳнат органларининг олдиндан розилигини олмай туриб йўл қўйилмайди.

1.12. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг куйидаги Конвенцияларига оғишмайриоя этилишини таъминлаш:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”ги 47-сонли Конвенция;

“Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида”ги 52- сонли Конвенция;

“Меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 81- сонли Конвенция;

“Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-Конвенция;

“Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш хуқуқи принципларини қўллаш тўғрисида”ги 98- сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли ишлар учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;

“Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёsat тўғрисида”ги 122-сонли Конвенция;

Узбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Меҳнаткашларнинг вакиллари ҳакида”ги 135-Конвенция;

“Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;

“Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига қўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида”ги 144-сонли Конвенция;

“Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисида”ги 154-сонли Конвенция;

“Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги”ги 182-Конвенция;

“Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашиш асослари тўғрисидаги”ги 187-сонли Конвенция.

1.13. Тармоқ келишувининг бажарилишини мухокама қилиш, янгисини қабул қилиш ёки қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш хар йилнинг январь-март ойларида Агентлик хайъати ёки Республика Кенгаши Ижроия қўмита йигилишларида, муассасаларда жамоа шартномаларининг бажарилишини мухокама қилиш, янгисини қабул қилиш ёки қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш хар йилнинг биринчи чорагидан кечикмаган холда муассасаларнинг умумий йигилиши (конференцияси)да мухокама этилади.

1.14. Агентлик ва тасарруфидаги муассасалар иш берувчилари ходимлар манфаатига даҳлдор қарорлар қабул қилишдан олдин Республика Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмасининг жойлардаги органлари билан маслаҳатлашишлари шарт.

1.15. Муассасаларда меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўйган иш берувчилар томонидан мазкур қонун бузилиши бартараф этилмаган холларда, суд органларига мурожаат қилишдан олдин, муассасаларнинг юқори органлари билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида мазкур қонун бузилиши бартараф этилади.

1.16. Тармоқ касаба уюшмаси бошлангич ташкилотларига ўз фаолиятларига оид доимий ва узоқ вақт (10 йилдан кўпроқ) сақланадиган ҳужжатларни сақлаш учун муассасаларда ташкил этилган идоравий архивлар хизматидан бегараз фойдаланишига руҳсат этилади.

1.17. Агентлик ва унинг тизимидағи барча муассасаларда ходимларнинг лавозимга лаёқатлилигини аниқлаш бўйича аттестация комиссиялари таркибига тармоқ касаба уюшмасининг вакиллари албатта киритилиши шарт.

1.18. Томонлар касаба уюшмалари Федерациясининг “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарига обунани ташкил этиш юзасидан ўзаро ҳамкорлик қиласидилар.

1.19. Тармоқ иш берувчиларига муассаса касаба уюшма бошлангич ташкилотида фаолияти учун, шунингдек, касаба уюшма қўмиталарининг ходимлар манфаатига доир ҳаражатлари учун ўзининг бюджетдан ташқари тушган маблағлари ҳисобидан моддий қўмак кўрсатишига йўл қўйилади.

1.20. Меҳнат жамоасида ишлаб пенсияга чиқсан ходимларга доимий ғамхўрлик қилиш, уларга зарурий ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг меҳнат жамоаси ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш, кекса авлод вакилларининг билим ва тажрибасидан фойдаланиш, мазкур йўналишдаги ишларни тизимли йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Агентлик тасарруфидаги барча муассасаларда “Фахрийлар Кенгаши” ташкил этилади.

1.21. Тизимдаги ташкилот ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5775-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 349-сон қарорига тўлиқ риоя этиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

II. Мехнат шартномаси, бандлик кафолатлари

Агентликнинг мажбуриятлари

2.1. Ходимларнинг кассблари, малакалари ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ бандлиги таъминланади.

2.2. Тармоқда иш берувчилар томонидан ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси II қисми 1, 2, 3, 4, 7 бандларига асосан бекор қилишда қоида тарзида муассаса касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Муассасанинг бутунлай тугатилиш ҳолатлари бундан мустасно.

2.3. МКнинг 100-моддаси 2- қисми 7-банди бўйича (ходимнинг пенсия ёшига этиши ва пенсия олиш хуқуқига эга бўлиши сабабли) меҳнат шартномаси бекор қилинишида ходимнинг меҳнат унумдорлигини инобатга олиниши шарт.

2.4. Тармоқ муассасалари жамоа шартномаларида таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган холда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, қисқартирилган иш ҳафтасини жорий этиш ва бошқа қўшимча имтиёзлар киритилади.

2.5. 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишда ва уларнинг меҳнатидан фойдаланишда ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-Конвенция ва “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-Конвенциялари талабларига риоя этилиши таъминлайди.

2.6. Ходимларни (кадрларни) тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш бўйича мунтазам равишда иш олиб боради.

2.7. Тармоқда яширин ишсизлик ҳолатларига йўл қўймаслик, муассасаларнинг қисқартирилган иш режимида ишловчи ходимлари учун ҳам мазкур келишувда кўзда тутилган хукуқ, имтиёз ва кафолатларни сақлайди.

Муассасанинг вакант бўлган иш ўринларини биринчи галда тўлиқсиз ставкада ишлаётган ходимлар ҳисобига уларнинг эҳтиёжидан келиб чиқсан холда қоплади.

Мазкур қоида ходимнинг ўзининг асосий ишидан бўш вактида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариш (ўриндошлиқ) асосида ишлаши, шунингдек, мавжуд штат бирлиги ва бошқа сабаблар ходимни тўлиқ ставкага ишга қабул қилишга имкон бермайдиган бошқа ҳолатларга татбиқ этилмайди.

2.8. Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиб, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чоралари амалга оширилишини таъминлайди.

2.9. Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий

ва қўшимча таътилларни бериш, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳолларини жамоа шартномаларида белгилайди.

2.10. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан иш берувчи ҳисобидан ходимларни малакасини оширади, қайта ўқитади ва ишга жойлаштиришга кўмаклашади.

2.11. Иш берувчи ходимлар сонини қисқартирилиши билан боғлик таркибий жиҳатдан қайта ўзгариши масалалари тўғрисида ҳамда ходимларни оммавий равища ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камидан икки ой олдин касаба уюшма қўмитасига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятини, шунингдек, камидан икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини қўрсатган ҳолда, ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Муассаса ходимларининг рўйхатдаги сонидан камидан 10 фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларни оммавий равища ишдан озод этилиши деб ҳисбландади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сон Конунининг 18-моддасига биноан, одамларнинг умумий сони 100 кишидан ортиқ бўлган ташкилотлардан рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг 10 ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равища ишдан бўшатиш деб ҳисбландади).

2.12. Пандемия даврида коронавирус инфекцияси билан заарланиб, карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таъкиқланади.

2.13. Агентлик тасарруфидаги муассасаларда янги ходимларни ишга қабул қилишда касаба уюшма қўмитаси сухбатидан ўтишини йўлга қўйишни жамоа шартномаси орқали белгиландади.

Республика Кенгашининг мажбуриятлари

2.14. Ходимларни ишга қабул қилиш ва меҳнат фаолияти давомида ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Зўраки ва мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сон, “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлир тўғрисида” 111-Конвенцияси талабларига амал қилинишини таъминланади.

2.15. Республика Кенгаши мутахассислари томонидан мунтазам равища меҳнат қонунчилиги бўйича, айниқса меҳнат муносабатлари, ижтимоий-иктисодий муҳофаза, муносабат шароитлари яратилиши юзасидан соглиқни сақлаш идоралари, муассасаларига биргаликда маслаҳатлар, музокаралар ташкил этиш ва бажарилиши устидан назорат ўрнатишда амалий ва услубий ёрдам қўрсатилади.

2.16. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилинади.

2.17. Мехнат жамоаларида ижтимоий вазиятни осойишта бўлишига ёрдамлашиш, ҳуқуқий масалалар бўйича бепул маслаҳатлар бериш. Республика Кенгаши қошида “Ишонч телефони”нинг мунтазам ишлашини таъминланади.

Ҳамкорликдаги мажбуриятлар

2.18. Муассаса ходимларининг бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий меҳнат идоралари билан узвий ҳамкорлик ўрнатиш. Мазкур масалага оид маълумотларни йиғиш ва маҳаллий меҳнат идораларн билан ўзаро ҳамкорлик ишларини ташкил этишни Агентлик, Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари масъул ходимларига, Республика Кенгашининг тегишли ходимларининг зиммасига юклатилади.

2.19. Асоссиз иш жойларини қисқартиришга йўл қўймаслик:

хар қандай вазиятда касаба уюшмаларига қонунчилиқда белгиланган муддатлардан кечиктирмай керакли маълумотларни юбориш ва қуида кўрсатилган чораларни кўришда биргаликда музокаралар олиб бориш;

қисқартириш натижасида ишдан озод этилган ходимларни қайта ўқитиш ва ишга жойлаштириш учун маҳаллий меҳнат органлари билан ҳамкорлиқда ишлаш;

ходимларнинг ишдан бўшашибаблари, меҳнат шартларининг ўзгариши, уларнинг қонунийлигини таъминланади.

2.20. Тармоқ иш берувчилари томонидан ҳар бир муассасада касаба уюшма қўмитаси билан келишган холда ходимлар лавозим йўриқномалари тузилади ва ҳар бир ходим ўз лавозим йўриқномаси билан таништирилиши шарт.

2.21. Тармоқда мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб қўйилган умумхалқ хайрия ҳашарлари уюштирилганда ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиниши мутлақо ихтиёрийдир. Фўза парвариши, пахтакорларга, коммунал тўловларга, текширувчиларга, ободонлаштиришга, гул ёки дараҳт кўчатларини сотиб олиш ва ҳоказоларга, қонун ҳужжатларидаги тартибга риоя этмаган холда ҳашар ва шанбаликларга, шунингдек, ходимларнинг лавозим вазифасига кирмайдиган ишларга жалб қилинмайди.

Бундай холатлар аниқланган холларда тарафлар бир-бирларини бу хақда хабардор қиласидилар, мажбурий меҳнатга йўл қўйган раҳбарларни интизомий жазога тортиш ёки тегишли давлат органлари раҳбарларига нисбатан чоралар кўрилиши бўйича биргаликда харакатлар қиласиди.

2.22. Олий, ўрта маҳсус таълим муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашилади.

2.23. Ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратилади.

III. Иш вақти ва дам олиш вақти

Агентликнинг мажбуриятлари

3.1. Тиббий-ижтимоий муассасасида иш ҳафтасининг қуидаги муддатлари қабул қилинади:

раҳбар ходимлар учун 40 соат;

нотиббий ходимлар учун 40 соат;

тиббиёт ходимлари учун 36 соат;

ижтимоий ходимлар учун 36 соат;

16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун 36 соат;

I- ва II-гурух ногиронлиги бўлган ходимлар учун 36 соат;

уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар учун 35 соат;

ноқулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимлар учун (иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижаларига асосан) - 36 соат;

тиббий-ижтимоий муассасаларидағи тарбиячилар учун 30 соат;

тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимининг тиббий-ижтимоий муассасаларидағи психологлар учун 20 соат;

тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимининг тиббий-ижтимоий муассасаларидағи логопедлар учун - 18 соат;

тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (ТИЭК)нинг шифокорлари учун - 33 соат;

бутун иш вақти давомида 200 ваттдан баланд қувватдаги ультрақисқа тўлқинли частотадаги тиббиёт генераторларида ишлайдиган шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари учун - 33 соат;

анестезиология-реанимация бўлимлари (гурухлари) ҳамда реанимация ва интенсив терапия палаталари шифокорлари, ўрта ва кичик тиббий ходим (шифокор-лаборант ва лаборантдан ташқари) ходимлари учун - 33 соат;

рентген диагностикасида, флюографияда, визуал назоратли ротацион рентген терапияси қурилмасида бевосита банд бўлган ходимлар учун 30 соат.

3.2. Ходимни унинг розилиги билангина ишдан ташқари вақтларда ишга жалб қилиш. Бунда иш сменаси 12 соатдан ортиқ бўлган ходимларни, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни ва 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишдан ташқари вақтда ишга жалб қиласлик.

3.3. МКнинг 144-моддасида кўрсатилган ходимлар тоифалари билан бирга қуидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

- а) ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;
- б) бетоб оила аъзосини парваришаётган ходимларга;
- в) тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оилалар вакилларига;
- г) ишлаётган пенсионерларга.

3.4. МКнинг 150-моддасида кўрсатилган ходимлардан ташқари қуидаги ходимларга (1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёzlари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахслар, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар)дан ташқари яна қуидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш хақи сақланмаган холда муқаррар тартибда 14 календар кунга қадар таътил берилади:

- а) бетоб оила аъзосини парваришилаётган шахсларга;
- б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;
- в) ишилаётган пенсионерларга.

Шунингдек, жамоа шартномалари ва меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

3.5. Муассасанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, муассасаса маблаги ва тежалган маблағлар (муассасанинг моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси) ҳисобидан кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар ва бошқа имтиёzlар беришни муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига киритиш.

3.6. Ходимларга иш куни (смена) давомида иш вақтига киритилмайдиган дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш. Танаффус бериш вақти ва унинг аник муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиш имкониятини таъминлаши шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

3.7. Иш ўринлари аттестациядан ўтказилмаган муассасаларда иш ўринлари аттестациядан ўтказилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарорига, МКнинг 137-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг 1996 йил 1 апрелгача белгиланган таътиллар муддатини сақлаб қолиш.

3.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 марта 133-сонли қарорининг 4-8 иловаларида ҳамда 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомнинг 2-илювасида келтирилган “Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари ўта хавфли бўлганлиги муносабати билан уларда ишлаш ходимлар тариф ставкаларига қўшимча тўлов белгилаш ҳуқуқини берадиган муассасалар ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек, лавозимлар рўйхати”да келтирилган касб ва лавозимда ишловчиларга меҳнат таътиллари муддати асосий 15 кун, қўшимча таътил муддатини камида 12 кун қилиб белгилаш ва бунга иш жойлари аттестацияси бўйича холосада белгиланган қўшимчаларни қўшган ҳолда амалга ошириш.

3.9. Тармоқ ходимларининг 15 кунлик асосий меҳнат таътилига қуидагича қўшимча таътил муддатларини белгилаш:

тиббиёт ходимларига - камида 9 кун;

мутахассислар (хисобчи, иқтисодчи, ҳўжалик ишлар мудири, мухандис, юрист маслахатчи, кадрлар бўлими ходимлари ва бошқалар)га - камида 9 кун;

ишчи касбларда ишловчи ходимлар (хайдовчи, электромонтёр, дурадгор, чилангар-сантехник, коровул, боғбон, фаррош, ховли супурувчи ва бошқалар)га - камида 3 кун.

3.10. Кутубхоналарнинг (“Саховат” ва “Муруват” интернат уйларида) кутубхоначиларига – камида 9 кун қўшимча таътил белгилаш.

3.11. Айрим тоифадаги ходимларга қўйидагича йиллик узайтирилган асосий таътил бериш:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга – 30 календарь кун;

ишлаётган I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлгашан шахсларга – камида 30 календарь кун қилиб белгилаш ва бунга иш жойлари аттестацияси бўйича хulosада белгиланган қўшимчаларни қўшган ҳолда амалга ошириш.

3.12. Амалдаги қонунларда ва меъерий хужжатларда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарори) назарда тутилмаган лавозимларда ишлаётган ходимларга қўшимча таътил олиш хукукини жамоа шартномаларида белгилаш.

3.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида дам олиш кунлари белгиланганда:

қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида эълон қилинган қўшимча дам олиш кунларидан ходим ҳақиқатда фойдаланганлигидан келиб чиқиб қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

3.14. Жамоа шартномасида. йиллик асосий таътилини олиш хукукини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқишида МКнинг 142-моддаси талабларини инобатга олиш.

3.15. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вактини белгилаш.

3.16. Ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга диссертациясини якунлаш, шунингдек, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда қўйидагича ижодий таътиллар бериш:

номзодлик диссертациясини ва дарсликлар ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларни тугаллашлари учун муаллифларга 3 ойгача;

докторлик диссертациясини тугаллаш учун 6 ойгача бўлган муддатга ижодий таътиллар бериш.

3.17. Қуйидаги ҳолларда ходимларга бир марталик ҳақ тұланадиган құшимча таътил бериш:

яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғининг ота-онаси, турмуш ўртоги, фарзандлари, туғишиган ака-укалари ва опа-сингиллари) вафот этгандан - 3 кун;

фарзанд туғилғанда (отасига) - 1 кун;

фарзандларининг никоҳ түйларида - 3 кун;

ходимнинг никоҳ түйларида - 3 кун.

Республика Кенгашининг мажбуриятлари

3.18. Агентлик тасарруфидаги муассасалар ходимларининг меңнатга ва ижтимоий-иктисодий масалаларга оид қонун ва бошқа мөъерий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишаши.

3.19. МКнинг моддалари күрсатилған ҳолда жамоа шартномалари орқали ҳал қилиниши шарт ёки мумкин бўлған имтиёзлар ва кафолатлар рўйхатини ишлаб чиқиш ва барча муассасаларга етказилишини таъминлаш.

Ҳамкорлик мажбуриятлари

3.20. Иш ҳафтаси турини белгилашда, иш вақти режимининг турли ҳил варианtlарини қўллашда, муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатишида, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартиришида, ҳар ҳафталик дам олиш ва байрам қунларида иш берувчи ишга жалб қилиш ҳукуқига эга бўладиган асос(ҳолат)ларни аниклашда, шунингдек, МКга мувофиқ бартараф этилиши лозим бўлған бошқа масалаларда тармоқ муассасаларига услубий, амалий ёрдам кўрсатиш.

IV. Меңнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тарзидағи тўловлар

Агентликнинг мажбуриятлари

4.1. Тармоқдаги барча муассасаларда ходимлар меңнатига ҳақ тўлашда МКнинг 9-боби талабларига риоя қилинишини, тармоқдаги барча муассасалар ходимларига ойлик иш ҳақини Ягона тариф сеткасининг 1-разряд ставкасидан кам бўлмаган миқдорда тўланишини таъминлаш.

4.2. Агентлик тасарруфидаги бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотларда ишловчи тибиёт ходимларига меңнат ҳақи тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тибиёт ва фармацевтика ходимлари меңнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткаси”да бўлғиланган разрядлар асосида амалга ошириш. Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан маҳсус унвон, кўп йиллик хизматлари учун устама ва қўшимча тўловлар, соглик учун хавфли ва меңнат шароитлари ўта хавфли бўлған муассасаларда ишловчи ходимларнинг тариф ставкаларига тўланадиган қўшимча тўловларнинг фоиз миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тибиёт ходимлари меңнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини

тасдиқлаш тұғрисида”ғи 276-сонли қарори билан тасдиқланған “Меңнатга ҳақ тұлаш тартиби ва шартлари тұғрисидаги Низом”ға мувофиқ амалға ошириш.

4.3. Муассасаларда меңнат қилаётган нотиббий ходимларнинг меңнатига ҳақ тұлаш Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 06 сентябрда 743-сон билан рүйхатта олинган “Узбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бұлған хизматчиларнинг кенг тарқалған лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меңнатига ҳақ тұлаш бүйіча разрядлар”ға асосан муассасаларда банд бұлған универсал касблар мутахассислари ва хизматчиларининг лавозим разрядларини белгиланған тартибда ошириб боришни таъминлаш.

4.4. Үзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида тиббиёт ва бошқа ходимларга моддий рағбалантириш тұловлари амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тұланади.

4.5. Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдеги 743-сон қарори билан тасдиқланған “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бүйіча ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини құллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тұғрисида Низом” талаблари татбиқ қилинади;

Күчма ва қатнаш туридаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рүйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси құмитаси билан келишгән ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасыда құрсағылышини.

4.6. Жамоа шартномалари орқали меңнатга ҳақ тұлаш тартибга солиши, иш ҳақидан қонунчиликда күзде тутилмаган ушлаб қолишларга йүл қўймаслик чораларини кўриш.

4.7. Меңнатга ҳақ тұлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа шартномалари воситасида ўрнатиши.

4.8. Агентлик тасарруфидаги барча муассасаларда хизмат қилаётган ходимларга иш ҳақини ўз вақтида ва тұлиқ тұланишини таъминлаш мақсадида иш ҳақи тұловлари кечиктирилгани учун муассаса раҳбарларининг масъулиятини ошириш мақсадида, иш ҳақи тұловларини иш берувчининг ёки банк муассасасининг айби билан кечиктирилған ҳар бир куни учун тұланиши лозим бұлған сумманинг 0,01 фойзи миқдорида пеня тұланишини амалға ошириш.

4.9. Меңнатда майиб бұлған ва касб касалларига чалинған ходимларга тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясининг ҳулосасига асосан санаторияларга йўлланма қийматини қисман қоплаш.

4.10. МКнинг 180-моддасига биноан Агентлик тасарруфидаги барча муассасаларда тиббиёт ва бошқа (нотиббий) ходимларни меңнати учун рағбатлантириш.

4.11. Вақтинчалик меңнатга лаёқатсизлик бүйіча нафақалар тұлаш миқдори ходимнинг ўртаса иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги “Вақтинчалик меңнатга лаёқатсизлик бүйіча нафақалар тұлаш чегарасини такомиллаштириш тұғрисида”ғи 71-сон қарорига асосан:

иккинчи жағон уруши иштирокчилари, байналминал-жангчилар ва уларга тенгглаштирилған шахслар, қарамогида 18 ёшга етмаган уч ва ундан ортиқ

фарзанди бўлган шахслар, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар ва шу ҳалокат натижасида радиактив заарланган зоналардан эвакуация қилингандар ва кўчирилгандар, оғир касалликларга (ўткир лейкоз, аденома, саратон) дучор бўлганлар, ҳарбий хизматни ядроий полигонлар ва бошқа радиактив-ядровий объектларда ўтаган пенсия ёшидаги ногиронлиги бўлган ходимларга, шунингдек меҳнат жароҳати ва касб касалликлари оқибатида вактингчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўлган ходимларга - тўлиқ иш ҳақи миқдорида;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда - иш ҳақининг 60% дан 100% гача;

коронавирус инфекцияси билан заарланиши ёки заарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгacha бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

бошқа холатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда - иш ҳақининг 60% дан 80% гача.

4.12. Иш вақтидан ташқари ишлар учун камиди икки ҳисса миқдорда ҳақ тўлаш, тунги вақтдаги ишлар учун 22.00 дан 06.00 гача бўлган даврдаги иш вақтига бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади.

4.13. Смена ёки навбатчилик асосида иш ташкил этиладиган тиббий-ижтимоий муассасаларида ходимларнинг навбатчилик вақтидаги соат 18.00 дан 22.00 гача бўлган даврдаги иш вақтини “кечки вақт” ёки “кечки смена” сифатида белгиланади ва бу вақтда ишнинг ҳар бир соати учун камиди 1,25 баравар миқдорда ҳақ тўланади.

4.14. Республикада белгиланган байрамлар (1 январ, 8 март, 21 март, 9 май, 1 сентябр, 1 октябр, 8 декабр, Рўза ва Курбон хайитларининг биринчи кунлари)да иш графиги асосида ишлаганлик ёхуд иш берувчининг фармойишига асосан шу кунларда ишга жалб этилган муассасаларнинг барча ходимларига, шунингдек, дам олиш кунлари (якшанба) кунлари ишлаганлиги, ёхуд сменада турганлиги учун икки ҳисса миқдорида иш ҳақи тўланади.

4.15. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатлар (МК 171, 172, 173-моддалар) қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек, меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчи томонидан қопланади.

4.16. МКнинг 166-моддаси талабини бажариши мақсадида ходим меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариши вақтида (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий қўрикдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги таъминланади.

Шунингдек, иш берувчининг ташабbusи билан ходим ихтисосликка қайта тайёрлашга юборилганда, ўқиш харажатларини қоплаш хамда ўртача иш ҳақини сақлаб қолинади.

4.17. Ходимларнинг хизмат сафари давридаги суткалик ҳаражатларини (малака ошириш хизмат сафари деб ҳисобланмайди) МК 171-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 2003 йил 24 июлдаги 83, 7/12-сон қўшма қарорлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафари тўғрисидаги

йўриқномага асосан қоплаш; (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 29 августда 1268 рақам билан рўйхатга олинган).

4.18. Асосий ишидан ажралган ҳолда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш курсларига юборилган тингловчиларнинг бутун ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи сақланиб қолинади ва малакасини ошириш бошқа шаҳарга юборилган тингловчиларга ўқиш жойига бир марта келиш ва кетиш, шунингдек, меҳмонхона харажатлари юборувчи томонидан қопланади.

4.19. Агентлик тизимидағи муассасалар тиббий ва нотиббий ходимларнинг малака тоифасини ошириб боришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ва бунга ходимлар реал даромадларини ошириб борилишининг самарали механизми сифатида қараш.

4.20. Автотранспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда 3130-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом”га мувофиқ амалга оширилади.

4.21. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенциясига биноан эркаклар ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли кўнишка ва малака билан, турли кўринишдаги, жавобгарлиги бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин бир хил қийматга эга бўлган ишлар тенг микдорда рафбатлантирилади.

4.22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-икклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-икклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллар қўлланилиши тўғрисидаги шартларни тармоқ ташкилотларининг жамоа шартномаларида назарда тутиш.

4.23. Пандемия шароитида карантин талаблари кучайтирилиши муносабати билан масофавий ишга вақтинчалик ўтказилган ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қуидагича амалга оширилади:

меҳнатга ҳақ тўлашдаги соатбай асосида - ходимнинг масофавий ишга ўтказилгунга қадар белгиланган тариф ставкаси (лавозим оклади)дан келиб чиқсан ҳолда;

меҳнатга ҳақ тўлашдаги ишбай асосида — ўрнатилган нархлардан келиб чиқсан ҳолда.

Республика Кенгашининг мажбуриятлари

4.24. Агентликнинг барча ташкилотларида ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида муассасанинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганидан имтиёзли меҳнат ва ижтимоий-иктисодий шартларни белгиловчи жамоа шартномалари тузилишига эришиш.

Ҳамкорликдаги мажбуриятлари

4.25. Махаллий бюджетлар балансида турган Агентликка қарашли муассасаларини маблаг билан таъминлаш даражасини таҳлил қилиш. Таҳлил натижалариға кўра ўзгартиришлар, тузатишлар киритиш учун таклифлар бериш.

4.26. Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатларини МКнинг 161-моддаси талабига мувофиқ белгилаш.

4.27. Барча даражадаги аттестация комиссиялари таркибига касаба уюшма вакилларининг киритилишини таъминлаш.

4.28. Соҳани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва эришган ютуқлари учун ходимлар ва талаба ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориши.

4.29. Кам таъминланган ва кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ҳамда ногиронлиги бўлган болаларга болалар оромгоҳлари йўлланмалари қийматларини молиявий имконият даражасида иш берувчи ҳисобидан қоплаш.

4.30. Тармоқ миқёсида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиши учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишларини давом эттириш.

4.31. Тармоқ тизимидағи муассасалар қоровуллар меҳнатига ҳақ тўлашда талаб этиладиган касбий талабларни бажариш даражасидан келиб чиқсан холда разрядларини қуидагича белгилаш:

меҳнат стажи 1 йилгача – 1- разряд;

меҳнат стажи 1 йилдан ортиқ – 2- разряд.

вақтига мутаносиб тарзда амалга оширилади. Бунда иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши ва иш вақтидан ташқари ишнинг энг кўп муддати сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва заарли ишларда - бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслигини таъминлаши лозим.

4.32. Тармоқ бўйича ходимларга иш хақи тўлаш вақтбай, ҳақиқатда ишлаган иш вақтига мутаносиб тарзда амалга оширилади. Бунда иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши ва иш вақтидан ташқари ишнинг энг кўп муддати сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва заарли ишларда - бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслигини таъминлаши лозим.

4.33. Муассасалар жамоа шартномаларига киритиш орқали бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан муассасада узоқ йиллар ишлаб нафақага чиқсан, хозирда меҳнат қилаётган, кам таъминланган ходимлари, талаба-ўқувчиларини ўзига тегишли даволаш-профилактика муассасаларида чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўtkазиши, даволаниш ва дам олишларини юмтиёзли ҳамда бепул ташкил этиши мумкин.

4.34. Ходимнинг айбисиз юзага келган бўш туриб қолишлар учун ўртacha иш ҳақининг сақланишини таъминлаш.

4.35. Бевосита тармоқ тизимида амалий фаолият билан шугулланаётган “Халқ” ва “Хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвонлари эгалари учун

тўловлар Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари, “Хизмат кўрсатган” фахрий унвони соҳиблари учун 1,6 баравари миқдорида тўлов белгилаш.

4.36. Агентлик ва Республика Кенгашининг қўшма қарорига асосан ҳамкорликда ўтказилаётган кўрик-танловлар, маданий-маърифий ва спорт тадбирларида, туризм ва бошқа тадбирларда иштирок этган ходимларга, тадбирларда иштирок этган даврида иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

4.37. Иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назоратини таъминлаш.

V. Меҳнат интизоми

5.1. Муассасаларда иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси билан келишилган холда ходимларнинг лавозим йўриқномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда жамоа шартномаларини иловалари билан локал меъёрий хужжатлар сифатида тузилади ва меҳнат интизоми тартибга солинади ҳамда барча ходимлар таништирилиши таъминланади.

5.2. Барча муассаса ходимларига интизомий жазо чораларини қўллашда МКнинг 181, 182, 183- моддалари ва ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъи амал қилиш.

Инсон хуқуqlари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатлари жараёнида ходимларнинг хуқуқ ва ваколатларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида муассасаларда юридик, ходимлар бўлими ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларнинг ҳамда касаба уюшмалари фаолларининг хуқукий ва маънавий билимларини ошириб бориш.

5.3. МКнинг тегишли моддаларида кўзда тутилган талаблар асосида муассасаларда ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқилишини таъминлаш.

5.4. Муассасаларда иш берувчи ва ходимлар вакилларидан иборат тенг сонли якка меҳнат низолари комиссияларини тузиш (ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 135-Конвенцияси 3-моддасига биноан “меҳнат низолари комиссиялари аъзолари” ва “меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар” меҳнаткашлар вакиллари сифатида эътироф этилади).

5.5. Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун хужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015 й., 20-66, 15.01.2015 й., 01-СП), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга ва ҳар бир ташкилотнинг Низомига биноан олиб боради.

VI. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси

Агентликнинг мажбуриятлари

6.1. Агентлик тасарруфидаги муассасаларида меҳнат қилаётган барча ходимларни Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш

марказида кошида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан келишган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитишни ташкил қиласи ва билимларни текшириб, тегишли гувохномалар билан таъминлайди.

6.2. Муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш.

6.3. Республика Кенгаши билан биргаликда ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича тармоқ дастурини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш.

6.4. Агентлик тизимидағи ҳар бир муассасаларда жамоа шартномаларини тузишда амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган миқдорларда маблағ ажратилишини ва уларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш.

6.5. Ходимларни ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисалар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда сугурта қилиш.

6.6. Тармоқ муассасаларидаги ҳар бир иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун хужжатларида, жамоа шартномасида, шунингдек, жамоа келишувларида ҳамда муассасанинг меҳнатни муҳофаза қилиш Битимида белгиланадиган миқдорда ажратади. Шунингдек, Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 18-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 25 августдаги 1998-сон билан рўйхатга олинган “Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт ишлаб чиқаришлари ходимлари учун маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунаий меъёрларига асосан меҳнат шароити нокулай ишларда банд бўлган ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари ҳамда ҳар бир ходимни ойига 400 гр.дан кам бўлмаган миқдорда гигиена (ювиш) воситалари билан таъминлайди. Бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бериш меъёрларини жамоа шартномаларида белгилайди.

Шунингдек, барча ходимлар шахсий ҳимоя ҳамда дезинфекция воситалари билан таъминланади.

6.7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 33-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари”га асосан бир марталик нафақа тўладиди:

ходимнинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар бўлган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан жабрланувчи томонидан касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига мувофиқ бўлган фоизлардаги ҳар ойлик тўлов, шунингдек ходимнинг икки йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлови ҳамда ходимнинг соғлиғи шикастланишидан келиб чиқкан қўшимча харажатларни (агар у даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий

ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож деб топилган бўлса, ушбу тадбирлар билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жабрланувчининг қайта тайёргарлиги ва тиббий хуносага мувофиқ ишга жойлашиши учун харажатлар ва бошқа харажатлар) компенсация қиласи.

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ходим вафот этган тақдирда, заарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларга боқувчининг вафоти билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳар ойлик тўловларни, шунингдек вафот этган ходимнинг ўртacha йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлашни ва дафн этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини ҳам ўз зиммасига олади.

6.8. Иш берувчилар МКнинг 214-моддаси талаблари, “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси талаблари асосида ходимларни дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриқдан бепул (ВИЧ, гепатит А, В, С ва хоказолар ҳам шулар жумласидан) ўтказиши ташкил қиласи.

6.9. Муассасалардаги меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларни рағбатлантириб боради

6.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июля 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом” талабига асосан оқибати ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодисаларни таҳлил қиласи ҳамда туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари, вилоят тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари ва Агентлик ҳайъат йиғилишларида муҳокама қилиб боради.

6.11. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 04.04.2017 йил № 6-44“с” қарори билан тасдиқланган тавсияларга кўра меҳнат муҳофазаси бўйича битими тузиш ва уни молиялаштириш чораларини кўради.

6.12. Иш берувчи ҳар беш йилда камида бир марта “Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан биринчи навбатда куйидаги иш ўринларини аттестациядан ўтказилишини таъминлайди:

меҳнат шароитлари бўйича ҳодимларга белгиланган тартибда имтиёзлар ва компенсациялар назарда тутилган иш ўринлари (Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида Низомнинг 2-иловаси);

ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринлари;

имтиёзли тарзда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва кўрсаткичлар (ВМ 1994 й 250-сонли қарори 2-рўйхат 1 қисми, 3 рўйхат 1 қисми).

6.13. Ходимларининг сони эллик нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир муассасаларда меҳнатни муҳофaza қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни

муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади.

Мутахассис тоифаси бўйича класификацион характеристикиси Агентлик томонидан ишлаб чиқилади, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Республика Кенгаши билан келишилади.

6.14. Иш берувчи муассаса ҳудудида ва унинг ташқарисида, шунингдек, иш берувчи берган транспортда ишга келиш ёки ишдан кетиш вақтида ходимнинг соглигига меҳнат жароҳати билан етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Республика Кенгашининг мажбуриятлари

6.15. Меҳнат муҳофазасига оид норматив-хуқукий хужжатларни экспертизадан ўтказиши.

6.16. Касаба уюшма аъзоларига меҳнат муҳофазаси бўйича бепул хуқукий ёрдам кўрсатиб бориши.

6.17. Меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларига ва Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиши.

6.18. Агентлик тасарруфидаги муассасалар ходимларини меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиши.

6.19. Агентлик тасарруфидаги муассасалар ходимларига амалдаги қонун ва меъёрий хужжатларда ўрнатилган имтиёзлар берилиши устидан назорат олиб бориши, керак бўлган холларда уларни меҳнат хуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожаат қилиши.

6.20. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида касаба уюшма фаолларига ва иш берувчи вакилларига ташкилий, хуқукий ёрдам бериш ва уларни ўқишиларида кўмаклашиши.

6.21. Меҳнат шартномаси асосида муассасаларида ишлаётган ходимларни, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун талаблари бажарилишини назорат қилиши.

VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш

Агентликнинг мажбуриятлари

7.1. Муассасаларда “Маънавият ва маърифат” хоналарини, кутубхоналарни Президент асалари, Мустақиллик йилларида чоп этилган янги адабиётлар, плакатлар ҳамда техник воситалар билан таъминлаш.

7.2. Агентлик тасарруфидаги муассасалар ходимларини, олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари талаба ва ўкувчиларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спорт билан мунтазам шуғулланишларини ташкил этиш мақсадида тасарруфдаги жисмоний тарбия ва спорт иншоотларини зарур асбоб-ускуна, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаш.

7.3. Иш берувчининг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларга соғломлаштириш учун бепул йўлланмалар ажратиш.

Республика Кенгашининг мажбуриятлари

7.4. Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотларни давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши деб ҳисоблаш ва самарадорлигини ошириш борасида тизимдаги маънавият хоналарини, кутубхоналарни Президент асарлари, ўзбек адиллари ва бугунги кун талабига биноан керакли адабиётлар билан таъминлаш даражасини ошириш. Маънавият ва маърифат соҳасидаги Давлат сиёсати, Президент фармонлари ва хукумат қарорларини ҳамда маънавий-маърифий тушунчаларнинг моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш.

7.5. Ёшлишимизни фидоий, билимдон, ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга бўлишлари, гоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, гиёҳвандлик ва ОИТС касаллигининг олдини олиш бўйича мунтазам машғулотлар, тарбиявий ишлар олиб бориш, ёш ижодкорлар клубларига, спорт секцияларига жалб қилишнинг оммавийлигини таъминлаш.

7.6. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Конунини, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш мақсадида соҳа ходимларини, ёшларни, талабаларни, болаларни мунтазам равишида жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, оммавийлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, айниқса соҳа ходимлари ва васийликка олингандар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, мусобақалар, спорт ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида муассасалар спорт базаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таъмирлаш, керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш масалаларини шартнома ва келишувларда акс эттириш.

7.7. Санаторий-курортларга ва даволаниш масканларига касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан бериладиган йўлланмаларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi Раёсати томонидан 2013 йил 26 январдаги 9-24-сон қарори билан тасдиқданган “Санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланишга оид Йўриқномалар”га риоя қилинган ҳолда тақсимланишини таъминлаш.

Ҳамкорликдаги мажбуриятлари

7.8. Ёз мавсумида ходимлар фарзандларини болалар согломлаштириш оромгоҳларида соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш.

7.9. Ҳар бир муассасада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва кўп болали оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия хашарларини ташкил қилиш ва ўтказиш.

7.10. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар қуидагиларни ўз зиммасига оладилар:

а) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун маҳсус жихозланган хона ёки спорт майдончалари ташкил этиш, жисмоний тарбия жамоаларини тузиш ва уларнинг ишини жонлантириш;

б) ходимларни спорт кийимлари ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш;

в) технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариш учун иш вақтига киритиладиган маҳсус танаффуслар жорий этиш;

г) ҳафтасига камида бир маротаба ходимларнинг жисмоний тарбия-оммавий спорт тадбирларида (югуриш, сузиш, футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларда) иштирок этишини назарда тутадиган “Саломатлик куни”ни ташкил этиш;

д) жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган холда, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш;

е) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси билан алоқаларни мустаҳкамлаш;

ё) соглом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоизи миқдорида устама белгилаш;

иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) тизимдаги меҳнат жамоаларида раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машгулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тениси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишини ташкил қилиш.

7.11. Тармоқ тиббий-ижтимоий муассасаларида маънавиятни юксалтириш мақсадида иш берувчилик ва касаба уюшма ташкилотлари томонидан хамкорликда йил бошида тасдиқланган маҳсус режа асосида ҳафтада бир маротаба, бошқа муассасаларда бир ойда камида 1 марта “Маърифат соатлари” ташкил этиш ва уларга жамоат ва фан арబблари, олимлар, ёзувчи ва шоирларни таклиф этиш орқали мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, соглиқни сақлаш, соглом авлодни тарбиялаш, таълим ва бошқа ижтимоий-сиёсий хаётимизда юз берәётган ижобий ўзгаришлар ва янгиликлар хақида маълумотлар бериб бориши.

7.12. Агентлик ходимлари учун “Йилнинг энг яхши ижтимоий ходими” ва “Энг яхши ҳамшира” касбларга доир қўрик-танловларини ташкил этиш.

7.13. Агентлик ва Республика Кенгашининг қўшма қарорлари асосида ўтказилган қўшма тадбирлар, танловлар иштирокчи ва ғолибларини белгиланган тартибда ва миқдорда рагбатлантириб борилади.

7.14. Агентлик тасарруфидаги муассасалар ходимлари ўртасида соглом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш бўйича заарарли одатларга қарши биргаликда курашиш.

7.15. Йил давомида касаба уюшмалари ва иш берувчилик томонидан ходимларни республикамизнинг тарихий шаҳарларига ва ўз ҳудудларидағи дикқатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил этиб борилади.

7.16. 11 ноябрь – касаба уюшмалари куни деб белгиланганлиги муносабати билан ҳар йили ташкилот ва муассасрда касаба уюшмалари кунига бағишиланган маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, касаба уюшмаси фаолиятига дахлдор кўрик-танловлар, конференция, форум, семинар, тренинг ва ижтимоий шериклар билан учрашувлар ўтказиш.

VIII. Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оиласидан вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар

Агентликнинг мажбуриятлари

8.1. Уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддатини белгилаш.

8.2. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн саккиз ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигига шундай боласи бор аёлнинг ёки оиласидан бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хulosага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини белгилаш.

8.3. Ҳомиладорлик ва туғиши нафақасини ҳомиладорлик ва туғиши таътилининг бутун даврида тўлиқ иш хақи миқдорида тўлаш.

8.4. Ҳомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтишлари учун, иш берувчи томонидан уларнинг ўртача иш хақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш (агар мазкур кўриқни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса).

8.5. Ҳомиладор ва вояга етмаган боласи бор аёллар учун МКда кўзда тутилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олади.

8.6. Икки ва ундан ортиқ 12 ёшга тўлмаган фарзанди бўлган ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган фарзанди бор аёлларга З иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш.

8.7. Ўн тўрт ёшгача фарзанди (18 ёшгача – ногиронлиги бўлган фарзанди) бўлган аёлларга ва ҳомиладор аёлларга ишлаган ҳақиқий вақтларига ҳақ тўлаган ҳолда уларнинг аризаларига кўра 20 соатдан кам бўлмаган тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаш.

8.8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 234-моддасига асосан, бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришлиш учун таътиллар берилади. Болани парваришлиш таътилларининг вақти кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

8.9. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини Корхонанинг ва унинг таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юқлатиш;

8.9.1. Ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

8.9.2. Хотин-қизлар ва эркаклар мөхнатига ҳақ тұлашда нотенгликни бартараф этиш.

Хамкорлик мажбuriятлари

8.10. Тарафлар аёлларнинг меҳнат хуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида ХМТнинг қуидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

“Зұраки ёки мажбурий меҳнат тұғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тұлаш тұғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тұғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиши тұғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тұғрисида”ги 111-сонли Конвенция.

IX. Ёшлар учун құшимча имтиёзлар ва кафолатлар

Агентликнинг мажбuriятлари

9.1. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда үқиб, үқув режасини бажараётган ходимларга ҳақ тұланадиган құшимча таътил бериш, қисқартирилған иш ҳафтасини жорий этиш ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш хукуқини жамоа шартномаларида акс эттириш.

9.2. “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш борасида ҳамкорлик ишларини кучайтириш, тизимдаги колледж бити्रувчиларини тұлиқ бандлигини таъминлашга эришиш ҳамда үз иш жойларыда құнимлилиги бүйіча мунтазам мониторинг олиб бориши.

9.3. Олий ва касб-хунар таълими муассасаларини альо баҳоларга тугатиб, муассасаларда биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларни моддий жиҳатдан құллаб-қувватлаш мақсадида молиявий имкониятдан келиб чиқкан ҳолда иш берувчи хисобидан Республикада белгиланған базавий хисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам күрсатиши.

9.4. Олий ва касб-хунар таълими муассасаларини альо баҳоларга тугатиб, муассасаларда биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларга имконият даражасида құшимча ҳақ тұлашни жамоа шартномалари орқали амалға ошириши.

Республика Кенгашининг мажбuriятлари

9.5. “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш борасида ҳамкорлик ишларини кучайтириш, тизимдаги колледж бити्रувчиларини тұлиқ бандлигини таъминлашга эришиш ҳамда үз иш жойларыда құнимлилиги бүйіча мунтазам мониторинг олиб бориши.

9.6. Олий ва касб-хунар таълими муассасаларини альо баҳоларга тугатиб, муассасаларда биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларни моддий жиҳатдан құллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма маблағи хисобидан Республикада белгиланған базавий хисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида

бир марталик моддий ёрдам күрсатиш ҳамда “Усто-шогирд” хоналарини жиҳозлашга молиявий имкониятдан келиб чиққан ҳолда күмаклашиш.

9.7. МКнинг 84-моддасига асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битиравчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

9.8. МКнинг 247-моддасига асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битиравчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи бу ҳакда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

X. Ижтимоий имтиёз ва кафолатлар

10.1. Ҳар бир ходим учун қишиги мавсумга ҳарид қиласиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматини муассасалар молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда компенсация тўлаш.

10.2. Ходим, шунингдек унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) вафот этганда дағн маросимлари учун муассаса ҳисобидан транспорт хизматини кўрсатиш.

10.3. Ходим пенсияга чиқиши муносабати билан ишдан кетаётганда лавозим маошидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла рағбатлантириш.

10.4. Юбилей ёшига етган (50, 60, 70 ёш ва юқори) ходимларни муассасанинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муассаса ҳисобидан лавозим маошининг бир баравари миқдорида бир йўла мукофотлаш.

10.5. Чукурлаштирилган тиббий курик ва даволанишга муҳтож ходимлар учун молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муассаса ҳисобидан тиббий хизмат ва диагностика ҳаражатларининг қисман (камид 50%) қийматини тўлаш (тегишли хужжатлар тақдим этилганда).

10.6. Тармоқ тизимида камид 10 йил ишлаб пенсияга чиққан, ишламаётган пенсионерларга уларнинг аризаларига биноан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муассаса маблагларидан йўлланма қийматини қисман тўлаш шарти билан имтиёзли йўлланмалар ажратиш.

10.7. Ходим вафот этганда унинг оиласига ва тизимда ишлаб пенсияга чиққан пенсионер вафот этганда унинг оиласига муассаса ҳисобидан молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда моддий ёрдам бериш.

10.8. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторий, санаторий-профилакторияларда ва дам олиш масканларида соғломлаштириш учун муассасалар молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маблағ ажратиш.

10.9. Касаба уюшма органларининг асосий ишидан озод қилинган (бошланғич, бирлашган касаба уюшма қўмиталари) ходимларига моддий рагбатлантириш, ҳўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар, рағбатлантириш, сувсизлик ва район коэффициенти ҳамда бошқа қўшимча тўловларни муассаса маблаглари ҳисобидан тегишли раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга тўланадиган миқдорларда тўлаш.

10.10. Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакиллари этиб сайланган ходимлар ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари меҳнат жамоасининг вакиллик органи аъзоларига тенглаштирилади ва уларга мазкур келишувда белгиланган ҳукуқ, кафолат ва имтиёзлар татбиқ этиш.

10.11. Тармоқ тизимида фаолият юритаётган ва касаба уюшма ташкилоти тузилмаган субъектларида касаба уюшма ташкилотини тузишда ўз ваколати доирасида Республика Кенгашига амалий ёрдам кўрсатиш.

10.12. Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оиласаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили «Наврӯз» ва «Мустақиллик» байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказишида, ихтиёрий равишида фаол иштирок этиши.

10.13. Касаба уюшмаларининг ҳукуқларига риоя этиши, уларнинг фаолиятига кўмаклашиши;

ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилингунига қадар касаба уюшмалари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши, меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларида ва норматив хужжатларда назарда тутилган ҳолларда эса уларнинг розилигини олиши;

касаба уюшмаларининг таклифларини ўз вақтида қўриб чиқиши ва уларга қабул қилинган қарорлар ҳақида ёзма шаклда, сабабларини кўрсатган ҳолда хабар қилиши;

касаба уюшмалари органлари вакилларини улар манфаатларини ифода этаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз киритиши;

касаба уюшмаларига ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ҳукуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича зарур ахборотни бепул тақдим этиши;

касаба уюшмаларига ўз вазифаларини бажариши учун зарур шароитларни таъминлаш;

касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахсларга касаба уюшмаларига оид мажбуриятларини иш вақтида бажариши учун вақт бериши. Бунда касаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вақти иш ҳафтаси соатлари сонининг 30 фойизидан кам бўлмаслиги керак;

касаба уюшмаларига жамоа шартномасида, келишувда белгиланган мақсадлар учун ва миқдорларда маблағлар ўтказиши;

касаба уюшмасининг аъзолари бўлган ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд

бўлганда касаба уюшмасининг тегишли хисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш.

XI. Келишувни амалга ошириш механизми

11.1. Томонлар Келишув мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиб борадилар ва унинг натижаларини ҳар йили, камида бир маротаба қўшма мажлисларда кўриб чикиласди. Шу сабабли тарафлар ҳар йилнинг 1 март кунига Келишувни бажарилиши юзасидан комиссия аъзоларга ахборот тақдим этадилар.

11.2. Келишувнинг бажарилишини назорат қилишни, уни бажариш мобайнида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал этишни келишув бажарилишини назорат қилувчи комиссия амалга оширади.

11.3. Келишувга имзо чеккан томонларнинг ҳар бири уни амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилишни ўз зиммасига олади.

11.4. Келишувга имзо чекилгандан сўнг, томонлар Келишув кучга эга бўлган мuddатда (2022-2024й.) уни бажармаслик ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

11.5. Ушбу Келишув мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда томонлар масъул ходимларга МКнинг 181, 182-моддаларига асосан жазо чоралари қўллашни талаб этишлари мумкин.

11.6. Томонлар ушбу келишувга асосан жамоа шартномаларини мувофиқлаштириш мақсадида мазкур келишувнинг нусхасини барча қуйи ташкилотларига жўнатадилар.

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори



А.К.Инаков
[Signature]

Тошкент ш.,

2021 йил 20 декабрь,
09-01-12/859-сон


Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси



Ф.Р.Ханапияев
[Signature]

Тошкент ш.,

2021 йил 20 декабрь,
5-09-с



Ўзбекистон Республикаси
Тиббий-ижтимоий
хизматларни ривожлантириши
агентлиги 2021 йил
20. 1d даги
09-01-12/13 сонли ҳамда
Ўзбекистон Соглиқни сақлаши
ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши Ижроия
қўмитасининг 2021 йил
20. 1d даги 5-09c сонли
қарорига 2- илова

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссияси тўғрисидаги НИЗОМ

I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссияси фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи ва меҳнат соҳасида доимий фаолият кўрсатувчи ижтимоий шериклик органи ҳисобланади.

2. Комиссия қуидаги мақсадларда ташкил этилади:

ижтимоий-иктисодий сиёсатни амалга ошириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқукларини, иктисодий ва ижтимоий манфаатларини химоя қилиш бўйича иш берувчилар ва тармоқ касаба уюшмаси (кейинги ўринларда Томонлар деб аталади) ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш;

Тармоқ келишувларни тузиш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш орқали ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома асосида тартибга солишга кўмаклашиш;

Халқаро меҳнат ташкилотининг (кейинги ўринларда ХМТ деб аталади) 1981 йилги жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисидаги конвенциясига (154-сон) мувофиқ меҳнат ва бандлик шароитларини аниқлаш, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича жамоа музокараларига кўмаклашиш.

3. Комиссия.

Икки томонлама комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Соглиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши вакиллари киритилади.

4. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, бошқа қонун ҳужжатларига, ХМТ конвенциялари ва тавсияларига ҳамда ушбу Низомга амал қиласи, шунингдек ўз фаолиятини “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида белгиланган ижтимоий

шериклик принципларига риоя қилған ҳолда амалга оширади.

II боб. Икки томонлама комиссиясининг вазифалари, функциялари ва хукуқлари

5. Қуйидагилар комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат ҳукуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий-иктисодий сиёсатни амалга оширишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш ва томонлар позицияларини келишиш;

позициялар, хукуқлар ва манфаатларни ўзаро хисобга олиш асосида томонларнинг амалий ҳамкорлигини таъминлаш;

тармок келишувларни тузиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома асосида тартибга солишига кўмаклашиш.

6. Комиссия ўзига юклangan вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) *ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат ҳукуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни турмуши даражасини оширишга қаратилган ижтимоий-иктисодий сиёсатни амалга оширишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш ва Томонлар позицияларини келишиши соҳасида:*

иш ҳаки масалалари юзасидан маслаҳатлашувлар, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича энг кам ойлик иш ҳаки ва тариф сеткаларини белгилаш юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш;

давлат ижтимоий дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш;

2) *тармок келишувларни тузиш ва унинг ижросини назорат қилиши орқали ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома асосида тартибга солишига кўмаклашиши соҳасида:*

келишувларни бажариш чоғида юзага келадиган масалаларни Томонлар ташаббусига кўра кўриб чиқади;

меҳнатни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини бошқаришнинг самарали тизимини яратишда иштирок этади.

7. Республика комиссияси ўзига юклangan вазифаларни амалга ошириш учун қўйидаги хукуқларга эга:

тармок муассасалари ва ташкилотларида келишувлар ва жамоа шартномаларининг бажарилиши, муассаса ва ташкилотларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолати, шунингдек, ижтимоий шерикликни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

иш берувчилар ва касаба уюшмалари мансабдор шахсларининг ижтимоий-меҳнат муносабатлар масалалари бўйича маъruzalарини (ахборотини) эшлиши;

жамоа музокаралар ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга соладиган битимларни тайёрлаш, ушбу битимларни амалга ошириш жараённида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича тармок комиссиялар билан ҳамкорлик қилиш;

ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш.

Икки томонлама комиссияси ушбу низом ва қонун ҳужжатларига мувофиқ

бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

III боб. Комиссия таркиби ва унинг фаолиятини ташкил этиш

8. Комиссия таркибига ҳар бир томондан ҳал қилувчи овозга эга камида беш нафардан вакил (тengлик принципи асосида) киради.

9. Ҳар бир томон комиссиялари вакиллари ўз ҳамраисларини сайлайди.

Комиссиянинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган (сайланган) ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

10. Комиссия раиси:

комиссия мажлисларида раислик қиласди;

комиссия иш режасига таклифлар киритади;

комиссия мажлисларини чақиради, комиссия, унинг ишчи органлари фаолиятини, мажлисларда кўриб чиқилаётган масалалар тайёрланишини ва қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этади, шунингдек, ҳар чоракда томонларни уларнинг бажарилиш жараёнидан хабардор қиласди;

томонлар ҳамкорлигига ва комиссия қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда улар ўртасида келишувга эришилишига кўмаклашади;

комиссия ишида иштирок этиш учун уларнинг таркибига кирмайдиган мансабдор ва бошқа шахсларни таклиф қиласди;

ўз ваколати доирасида бошқа функцияларни бажаради.

11. Комиссия ўз фаолиятини иш режалари асосида ва ижтимоий-мехнат соҳасидаги масалаларни зудлик билан ҳал этиш заруратини ҳисобга олиб ташкил этади.

Комиссия мажлиси бир йилда камида икки марта чақирилади.

Мажлис кун тартиби котибият томонидан иш режаси ва ҳамраисларнинг келишилган таклифлари асосида тузилади.

Мажлис ўтказиладиган сана, вақт, жой ва унинг кун тартиби тўғрисида комиссия аъзолари олдиндан, бироқ мажлисдан камида 10 кун аввал хабардор қилинади.

Комиссия мажлиси, агар унда ҳар бир томондан аъзоларнинг камида ярми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

12. Комиссия қарори келишув асосида ёки агар келишув бўлмаса, ҳар бир томондан биттадан овоз принципи бўйича овоз бериш орқали қабул қилинади.

Комиссия қарори баённома шаклида қабул қилинади ва тавсия ҳусусиятига эга бўлади.

Комиссиянинг ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларини томонлар идора ички қарорларини қабул қилиш орқали амалга оширади.

13. Комиссия таркибida қўйидаги доимий ишчи гурухлар тузилиши мумкин:

тармоқ келишувларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича;

норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойихаларини ва жамоаларга доир меҳнат низоларини кўриб чиқиш бўйича;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва унинг хавфсизлиги бўйича;

бандлик, иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича.

14. Доимий ишчи гурухлар мажлислари, агар уларда ишчи гурух аъзолари умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Доимий ишчи гурухларнинг у ёки бу масалалар бўйича тавсиялари Комиссия мажлисларида кўриб чиқилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

IV боб. Комиссия аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

15. Комиссия аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

кўриб чиқилаётган масалаларни муҳокама қилишда ва комиссия қарорларини қабул қилишда иштирок этиш;

комиссия ва доимий ишчи гурухлар мажлисларида кўриб чиқиш учун комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, иш берувчилар ва ходимлар ташкилотлари раҳбарларига, шунингдек, бевосита ташкилотларга комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан сўровлар билан мурожаат қилиш;

норматив-ҳуқукий ҳужжатлар, ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари, статистика, ахборот ва маълумотнома материаллари билан белгиланган тартибда танишиш.

16. Комиссия аъзолари мажбуриятлари:

комиссия фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиши;

комиссия қарорини ижро этишига кўмаклашиши;

иш берувчилар касаба уюшмалари ва бирлашмаларини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини Комиссия фаолияти ва Тармоқ келишуви ижросининг боришидан мунтазам хабардор қилиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг маҳфийлигига риоя қилиши ва уни ошкор этмаслиги шарт.

V боб. Комиссия қарорлари ижро этилишини назорат қилиш, томонлар жавобгарлиги ва комиссия фаолиятини молиялаштириш

17. Комиссия қарорларининг ижросини томонлар мустақил назорат қиласи.

18. Бир йилда камида бир марта тармоқ келишувини амалга ошириш якунлари ва комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги масалалар комиссияга кўриб чиқиш учун киритилади.

19. Тармоқ келишувларини амалга ошириш якунлари ва комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги ёзма ахборотни томонлар котибиятга уларнинг бажарилишига қараб юборади.

20. Комиссия фаолияти билан боғлик харажатларни томонлар ўзаро келишув бўйича қоплади.

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги 2021 йил 20.12 даги
09-01-12-85 сонли ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2021 йил 20.12 даги
5-09 сонли қарорига 3- ишова

ИЖТИМОЙ-МЕҲНАТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИККИ ТОМОНЛАМА КОМИССИЯНИНГ ТАРКИБИ

I. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги вакиллари:

1. **Каримов Б.К.** - Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринbosари;
2. **Рахимов Ж.Х.** - Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг бош бухгалтери;
3. **Даминова X.C.** - Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг юридик бурио бошлиғи;
4. - Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг кадрлар бўлими бошлиғи;
5. **Хасанбаева М.Х.** - Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг касаба уюшмаси раиси.

II. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вакиллари:

1. **Тохтаева Г.К.** - Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринbosари;
2. **Кадиров А.Х.** - Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши бош бухгалтери;
3. **Алиев З.Г.** - Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Бош меҳнат техник инспектори;
4. **Адилов О.У.** - Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Бош меҳнат ҳуқуқ инспектори;
5. **Рузиева Д.Р.** - Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси.